

## ЎҚУВЧИЛАР ТАРБИЯСИДА МАЪНАВИЙ МЕРОСЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК УСУЛЛАРИ

М. Х. Мадаминава

Наманган вилояти  
Уйчи туманининг 36-мактаби,  
Наманган, Ўзбекистон

---

**Summary.** In article are investigated questions of use of works of thinkers of the east in process of school education a subject “Idea of national independence and a spirituality basis” at school. The author has proved necessity of perfection of a technique materials on studying of works of thinkers in teaching humanitarian disciplines taking an important place in formation of harmoniously developed generation.

**Keywords:** scintist; spirituality; perfection; harmoniously; develop; formation.

---

Ўқувчилар маънавий тарбияси баркамол авлод шаклланишининг муҳим бўлаги ҳисобланади. Мактаб таълимида ўқувчиларнинг етук, юқори малакали педагоглар ёрдамида замонавий, дунёвий билим олишлари учун узлуксиз таълимда барча имкониятлар яратилган. Ўзбекистондаги ижтимоий, иқтисодий тараққиётнинг таъминланишида, ўтказилаётган ислохотларнинг барча соҳаларда, амалиётга тадбиқ қилинишида ўқувчиларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида ўқувчилар маънавий камолотини шакллантириш долзарб масаладир.

Умумий мактаб таълими ўқувчиларининг маънавий маданияти юксалиши учун тажрибали ўқитувчилар ёрдамида замонавий, дунёвий билим олишлари учун моддий техник имконият, ахборотлар базаси, ўқув услубий қўлланма ва дарсликларнинг янги авлоди яратилган. Узлуксиз таълимдаги кенг қамровли, изчил ислохотлар мактаб таълими тизимида ўқувчилар маънавий маданиятини юксалтиришнинг илмий асосланган пойдеворини яратиш имкониятини беради ва бу жараён ўқувчиларнинг демократик ва ҳуқуқий давлат тизимининг мазмуни, моҳияти, мақсадини англашга, тушунишга ва келажакда, фуқаролик жамияти шароитида ўзларининг муносиб ўринларини эгаллашларига қаратилгандир.

Ҳозирги замон мактаб таълими ўқув режасида, юқори синф ўқувчиларига ижтимоий гуманитар фанлардан дарс беришга алоҳида аҳамият қаратилган. Ушбу фанлар тизимида “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу фаннинг ўзига хос хусусиятларидан бири, юқори синф ўқувчиси мамлакатимиз мустақиллигининг тарихий аҳамиятини, миллий давлатчилигимизнинг шаклланиш жараёнини, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотлар инсон манфаатларининг ечимига қаратилганлигини тушуниб олади. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”ни ўрганиш жараёнида ўқувчиларга ўзбек модулининг мақсади ва вазифаларини оддий, тушунарли усулда баён қилинади. Ушбу муҳим ҳужжатнинг демократик ва

ҳуқуқий давлатнинг асосларини шакллантириш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлашдаги аҳамиятини алоҳида қайд қилиш лозим. Ушбу фаннинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишида унинг илмий, методологик асосларига эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Таъкидлаш лозимки, юқори синф ўқувчилари “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”нинг манбаларини мустақил ўрганишлари натижасида уларнинг ахлоқий ва маънавий маданиятининг янги қирралари вужудга келади ва юксалиб боради [1, б. 148].

Юқори синф ўқувчиларининг маънавий маданияти юксалишида ватанимиз заминидан яшаган ва ижод қилган мутафаккирларнинг илмий меросини ўрганиш, таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу жараён ўқувчилар томонидан миллий маданиятимиз, илм-фан намояндаларининг миллий тараққиётимизга ва жаҳонда, инсоният цивилизацияси ривожига кўшган ҳиссасини тушуниб олиш имкониятини беради. Ўқувчилар томонидан мутафаккирлар илмий асарларини ўрганиш туфайли фалсафа, тарих, адабиёт ва миллий тарбиямиз асосларини билиб оладилар. Айниқса ушбу асрлар мазмунидан миллий маданиятимизнинг қирралари, одоб, ахлоқ қоидалари, оилада инсон тарбияси, ахлоқон поклик, ватанпарварлик, миллий кадриятларимизга содиқлик, умуминсоний кадриятларни авайлаб асраш, уларга ҳурмат бажо келтириш хислатларини шакллантиради.

“Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”ни ўрганиш дарсларида мутафаккирлар асарларини мустақил мутолаа қилишни тавсия қилиш мумкин. Бундай шароитда тавсия қилинаётган асарнинг мактаб кутубхонаси ёки илмий ахборотлар марказида мавжуд бўлишига эътибор бериш даркор. Тавсия қилинаётган асар интернет сайтларига жойлаштирилган бўлса, ундан самарали фойдаланиш имкониятларини излаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ўқитувчи томонидан мавжуд сайтга шахсан мурожаат қилиши ва интернетга қайси тилда жойлаштирилган эканлигига эътибор қаратиши лозим. Ўқитувчи ўқувчиларга ушбу китобнинг қайси боблари ва саҳифаларига алоҳида эътибор қаратилишини тушунтиригандагина, уларда асарнинг мазмунини осонроқ англаб олиш имконияти пайдо бўлади.

Ўқитувчи мутафаккирларнинг ўрта асрларда ёки ундан кейинги даврларда яшаб ижод қилганлигини ҳисобга олиб, ўқувчилар тушуниши қийин бўлган фалсафий, тарихий, географик ёхуд бадиий адабиётга хос бўлган терминларни тушуниб олишлари учун муҳим мустақил дарс, маслаҳат соатлари ўтказиши мақсадга мувофиқ. Бундай услубий соатларда асар ҳақида мавжуд бўлган кўرғазмали қуроллардан, мультимедиа тизими имкониятларидан фойдаланиш зарур. Умумий таълим муасасаларида ўқувчиларига “Мутафаккирлар асарлари мазмунини ким яхши билади” мавзусида иншолар кўрик танловини уюштириш, улар таваллуд кунларига бағишланган тадбирларини ташкил қилиш зарур. Мутафаккирлар томонидан қолдирилган манбалардаги озодлик, мустақиллик, миллий маънавият тараққиёти ҳақидаги фикрларни кўрғазмали плакатларга ёзиб

қўйилиши ўқувчиларда ватанпарварлик, миллий ғурур ҳислатларини юксалтиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мутафаккирлар ижодини ўрганиш ўқувчиларнинг баркамол авлод вакиллари сифатида шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам ушбу бой илмий, фалсафий, тарихий, бадиий мерос мазмунидан юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанини ўқитиш жараёнида самарали педагогик усуллардан фойдаланиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

### Библиографик рўйхат

1. Аликулова М.М., Ҳакимов Н.Ҳ., Қурбонов Б.Н. “VIII-IX синфлар таълим жараёнини ижтимоий педагогик лойиҳалаштириш методикаси”. Услубий қўлланма. ЎзПФТИ, сентябрь, Тошкент – 2015. -148 б.

## БОЛАЛАР ХУЛҚИДА ПАЙДО БЎЛГАН НЕГАТИВ АХЛОҚИЙ ШАКЛЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК УСУЛЛАРИ

З. О. Муминов

*Уқитувчи,  
Наманган давлат университети,  
Наманган, Ўзбекистон*

---

**Summary.** The article mentions the adolescence of children in adolescence as a transformation from childhood to physiological development, with a dramatic acceleration of sexual maturation and negative emotions in adolescents. It also describes the socio-pedagogical factors of children's self-esteem, shaping similarities with peers and preventing negative attitudes in their education.

**Keywords:** adolescents; children; education; negative behaviors; socio-pedagogical; factors.

---

Ижтимоий жамиятда инсоннинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир вояга етмаган бола улғайгач, ўз ҳаётининг бахт-саодатини таъминлаш учун ижтимоий жамиятдаги ўрнини эгаллаш зарурияти пайдо бўлади. Бу ўринга ўзида уч ахлоқий хусусиятни мужассамлаштирган инсонгина эгалик қилади. Улар: тансиҳатлик, соғлом фикр ва яхши ахлоқдан иборат. Шу уч нарсанинг биттасидан ҳам маҳрум бўлган одам ўз ҳаётининг бахт-саодатини таъминлай олиши муқаррар. Бошқа ибора билан айтганда, бахт-саодат жисмонан соғлом, соғлом фикрли ва чиройли хулқли инсонга насиб этади, шу жиҳатларга эга бўлган кишилар турли хил бадбахтликларни муносиб кутиб оладилар.

Фарзандининг бахтсиз бўлишини истамаган ҳар бир ота уни мустақил ҳаётга қўйиб юборишдан олдин шу мазкур учта ахлоқий ҳислат билан қуроллантириб қўйиши керак. Тарбиянинг маҳсули ҳам шундай,